

(1592- тахм. 1651)

(1642-1645)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. 1606-1642-йилларда Бухоро хокими бўлган. Унинг даврида мамлакатда ички низолар кучайиб, хатто фарзандлари (12 та огли) ҳам унга бўйсунмай кўйган. Бунга унинг ўта такаббурлиги, милк-мулкка ўчлиги, кайсарлиги сабаб бўлган. Бу эса аҳолининг умумий норозилигини келтириб чиқарган. Бундан ташқари, Шимолдан кўчманчилар мамлакат ҳудудига ҳужум қилиб уни талон-тарож этмоқда эдилар. Надрмухаммадхон уларга қарши ўгли Абдулазизни юборади. Бирок Надрмухаммадхондан норози амирлар ҳарбий сафар чоғида Абдулазизни хон деб эълон қиладилар. Бундан хабар топган Надрмухаммадхон Балхга кетишга мажбур бўлган ва Бобурий Шохжахондан ёрдам беришни сўраган Шохжахон икки ўгли (Муродбахш ва Аврангзеб) ни катта кўшин билан Балхга жўнатиб, уларга вилоятни босиб олишни топширади. Бобурийларнинг ниятидан воқиф бўлган Надрмухаммадхон уларга қарши чиқиб, Маймана йўлида жангда енгилди ва Эронга шох Аббос II паноҳига қочади ва у ерда икки ярим йилча қолиб кетади. Бобурийлар Балх вилоятини икки йил горат қилишган. Мутассил жанглар, мамлакатдаги очарчилик, каттик қиш Хиндистонлик аскарларга салбий таъси кўрсатган. Шохжахон аскарларини Хиндистонга чақириб олишга мажбур бўлади. Балхни эса Эрондан таклиф этилган Надрмухаммадхонга топширади. Бу Надрмухаммадхоннинг ўғилларини яна ташвишга солиб, уларни бирлашишига мажбур қилган. Абдулазизхон укаси Субхонкулини Балхга ноиб этиб тайинлайди (1651). Надрмухаммадхон тахтдан воз кечиб, Маккага, ҳаж сафарига кетишга мажбур бўлади ва йўлда вафот этади. Мадина яқинидаги акаси Имомқулихон қабри ёнига дафн этилган. Махмуд ибн Вали Надрмухаммадхон фармони билан машҳур асари - „Баҳр ул-асрор“ („Сирлар денгизи“) ни ёзади.